



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 31 март, № 63 (5483)

Шанба

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

“Туркистон” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар ўртасида ўтказилган “Ташаббус — 2012” республика кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Ташаббус — 2012»

Рағбат истеъдодга қанот бўлади. Агар у эътироф этилиб, муносиб тақдирланса, илғор гоё ва янги ташаббуслар юзга келиши мўқаррар. Зотан, эътибор барча муваффақиятларнинг гаровидир. Буни мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз ташаббуси ҳамда бевосита раҳбарлиги остида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ҳамда хунармандчиликка бўлган муносабатда ҳам яққол кўриш мумкин. Негаки, ушбу соҳаларни қўллаб-қувватлаш туфайли улар ўтган тарихан қисқа давр ичида кенг маъно-мазмун касб этиб, иқтисодийнинг жадал ривожлантирувчи етакчи кучига айланди.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида тадбиркорлик нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам юқори поғонага кўтарилди. Бугун-



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ги кунда иқтисодийтимизнинг савдо-сотиқ, сервис ва алоқа хизматлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва саноат тармоқларида кичик бизнес субъектлари самарали фаолият кўрсатиб, катта имкониятларга эга эканлигини амалда намоён этмок-

да. Мазкур соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидеги улуш 2000 йилда 30 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб, бу кўрсаткич 54 фоизга кўтарилгани бунинг исботи бўла олади.

Юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятларини рўёбга

чиқариш, тадбиркор сифатида товланишида Президентимиз ташаббуси билан жорий этилиб, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ташаббус” республика кўрик-танлови энг муҳим тадбирго-рага айланди. Негаки, у тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар

учун наинки беллашув, балки ўзаро тажриба алмашиш, фаолиятига илғор ишланмаларни қўллаш ва жаҳон бозорига чиқиш учун пиллапоё вазиқасини ўтаётган, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

(Давоми 2-бетда).

Хамкорлик

Пойтахтимизда 30 март куни Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва сарможий хамкорлики кенгайтириш бўйича бизнес-форум бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо-саноат, сарможа, иқтисодий, нефть-газ, банк-молия, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, геология, кимё саноати, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари, туризм, электрон маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ҳамда концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э. Ғаниев, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси А. Шайхов Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги хамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил

ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон — Хитой муносабатлари 2005 йилда имзоланган Дўстлик, хамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатларо шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилаётган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сарможаси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, 65 та Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Мустақкам оила ОАВ талқинида

Тошкентдаги “Маърифат маркази”да “Мустақкам оила йили” Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти” мавзусида видеоконференция ўтказилди.

Анжуман

Унда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида фаолият юритаётган ОАВ ходимлари ҳам анжуман ишини реал вақт режимида тўғридан-тўғри кузатиб боришди. Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Мустақкам оила йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда оммавий ахборот воситалари олдига турган долзарб вазифалар хусусида атрофлича сўз юритилди. Оила институтини ривожлантириш ва тақомиллаштиришга қаратилган қонунларга бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш,

(Давоми 2-бетда).

Тадбир

Бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини танлаган мутахассислиги бўйича иш билан таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Мутахассислик ва амалиёт

“Ўзбекенгилсаноат” давлат-акциядорлик компанияси ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази хамкорлигида ташкил этилган анжуман ҳам ушбу долзарб масалага бағишланди.

Тадбирда таъкидланганидек, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида аниқ чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК ўтган йили бир қатор вазирлик ва идоралар билан хамкорликда жойларда меҳнат ярмаркалари, “Очиқ эшиклар кунини” ташкил этди. Бунинг натижасида энгил саноат тизими мутахассислиги бўйича тахсил олган 31 минг 619 нафар ёшлардан 28 минг 822 нафари ёки битирувчиларнинг 91,2 фоизи иш билан таъминланди. Коллеж ўқувчиларининг амалиётни ўташ, уларни замонавий техника ва технология янгиликларидан бохабар қилиш, уларда ишлаб чиқариш кўникмаларини шакллантириш мақсадида компания таркибидеги йирик ишлаб чиқариш корхоналарида махсус синфлар ташкил этилди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар “Ўзбекенгилсаноат” ДАК тизимидаги корхоналарда бўлиб, бу ерда ёш мутахассисларнинг амалиёт ўташи учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Б. ШАЙВАЛИЕВ.

Эзгу интилишлар маркази

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг жамиятда тутган ўрни ва ролини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Зеро, маҳалла, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг яхши аънавалари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам элулуснинг хамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Шу билан бирга, маҳалла ташаббуслар марказига айланиб бораётган. Наманган вилояти маҳаллаларида маиший хизмат кўрсатиш ва сервис марказларини барпо этиш ташаббуси илгари суриляёт-

гани ҳамда бу орқали, аввало, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш чоралари кўриляётгани мисолида бунинг яққол кузатиш мумкин.

Яқинда Учкўрғон туманининг “Бахт” қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Каттачек маҳалласида ана шундай маскан ишга туширилди. Бунинг учун маҳалла тадбиркорлари сарможа акратилиши. Марказда тикувчилик цехи,

ошхона, ҳаммом, иккита электрон тўлов шохобчаси, сартарошхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Эътиборлиси, уларнинг барчасига касб-хунар коллежлари битирувчилари ишга жалб қилинди.

— Худудимизда 3 мингдан зиёд киши истиқомат қилади, — дейди ушбу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зиёдаҳон Аҳмедова. — Аҳолининг икки минг нафарга яқини меҳнатга лаёқатлидир. Улардан 1600 нафари фермер хўжаликлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муасса-

саларида меҳнат қилишмоқда. Бундан ташқари, 15 нафар хотин-қиз касаначилик асосида зардўлик билан машғул. 13 та хонадонда эса иссиқхона ва паррандачилик йўналишида оилавий бизнес йўлга қўйилган. Маиший хизмат кўрсатиш ва сервис марказининг ташкил этилиши эса мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларни ўз мутахассислиги бўйича иш билан таъминлашда айни мудидао бўлапти.

(Давоми 2-бетда).



Мамлакатимизда:

Истиқболли соҳа ривожини

Қорақалпоғистон Республикаси

Тахياتошлик тадбиркор Зарафшон Сейитқамолова нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган эди.

Аҳоли дастурхонига

Бунинг учун “Тахياتош олтин дон” масъулияти чекланган жамиятига Италиядан 86 миллион сўмлик замонавий жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Пировардида 12 нафар маҳаллий йигит-қиз доимий иш жойларига эга бўлди.

Ҳозир мазкур корхонада ойига 15-20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Бухоро шаҳридаги “Бухоро бизнес” масъулияти чекланган жамияти томонидан йилгига 89 минг квадрат метр йўлак қопламалари тайёрлаш қувватига эга лойиҳа амалга оширилди.

Йўлак қопламалари ишлаб чиқарилади

Бунда банк муассасаси ажратган 400 миллион сўмлик кредит қўл келди. Хориж технологияси билан жиҳозланган корхонада йигирмадан зиёд иш ўрни яратилиб, дастлабки 30 минг квадрат метр маҳсулот буюртмачиларга етказиб берилди.

Шаҳарда ўтган йили саноат салоҳиятини ошириш худудий дастури доирасида 13 та лойиҳа амалга оширилиб, 370 та иш ўрни яратилди.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент

Тегишли вазирлик ва идоралар, фирма ва компаниялар, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этган мазкур анжуманда таъкидланганидек, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида соҳани ривожлантириш, уни иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантириш борасида кенг

кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги қонунлари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони ва бошқа ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётган.

(Давоми 2-бетда).

Маҳсулотнинг биринчи харидори

Бугун янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган полиэтилен қувурларига эҳтиёж катта.

Сирдарё

— Бундай маҳсулотлар энгил, ташқи таъсирлар ва босимга чидамли, — дейди Янгиер шаҳридаги “Махсус

полимер монтаж” хусусий корхонаси раҳбари Абдурашид Зияев. — Шунинг хисобига олиб, жорий йил февраль ойидан фаолиятимизни йўлга қўйгандик. Банкнинг 100 мил-

лион сўмлик кредити ҳисобига зарур ускуна ва жиҳозларни Хитойдан олиб келдик. Маҳсулотларимизнинг илк харидори Самарқанд шаҳридаги “Агро-Мир” қўшма корхонаси бўлди.

Ш. ХОЛМУРДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Йўлларимиз янада обод ва равон бўлади

Жорий йилда мамлакатимизда автомобиль йўллари, кўприк ва йўл ўтказгичларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларига Республика йўл жамғармасидан

360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Шунинг ҳисобига 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погонметр кўприк ва йўл ўтказгичлар қурилади ҳамда реконструкция қилинади.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари ва "Хунарманд" уюмлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Касаба уюмлари Федерацияси Кенгаши ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги кўрик-танлов ўта қизгин ҳамда юқори савияда ўтди. Бу наинки иштирокчиларнинг сафи кенгайгани, балки мулкдорлар ишлаб чиқаришда мураккаб технологиялар талаб этиладиган соҳаларга қўл ургани, импорт ўринини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни маҳаллийлаштириш борасида мутафаккалларга эришяётганда намоян бўлди. Эътибор қилинган, 2011 йил давомида кичик бизнес субъектлари томонидан хорижий давлатларга сотилган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди!

...Соат 18:00. "Ташаббус — 2012" республика кўрик-танлови голибларини тантанали тақдирлаш маросими бошланди. Барча ҳаяжонда. Нигоҳларга боқиб, кўнгли кечинмаларини уққандек бўласан: Президент совринлари — Асакадаги автомобиль заводидан ишлаб чиқарилган 3 та "Spark" автомобили кимларга насиб қиларкин?..

Сухандонлар танловнинг якуний босқичи иштирокчилари номларини эълон қила бошлайди. Саҳнага Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган дастлабки босқичларда сараланган 41 нафар қатнашчи чиқиб келади. Улар гулдурос қарсақлар билан олқишланади.

Ўртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида фидоикорона меҳнат қилиб, атрофдигарларга ибрат намунаси бўлаётган бу тадбиркор, фермер ва хунармандлар ҳар қанча мақтовга лойиқ. 7 минг нафар даввоғар орасида юқори натижаларни, иқтисодий ютуқлари билан шу ергача етиб келиш эса, чин маънода, қаҳрамонликдир. Танлов доирасида тадбиркорларнинг маҳсулотлари кўргазмаси билан яқиндан танишганлар бу фикрга қўшилидилар, албатта.

Фермерларнинг таъкидлашича, "Ташаббус" шарофати билан улар ҳам ашё етиштирувчида уни қайта ишлашни йўлга қўйган замонавий тадбиркор мақомига эришди. Бугунги кунда қишлоқ мулкдорларининг деярли барчаси хорижий замонавий минтехнологияларини жалб қилган ҳолда, ички бозорга тайёр маҳсулотлар чиқаришда. Масалан, Жиззах вилоятидаги "Чақмоқ" фермер хўжалигини олайлик.

Зафар Ҳакимов раҳбарлик қилган АҚШ долларига сутни қайта ишлаш ускуналарини олиб келиб ўрнатди. Андижондаги "Расул-Д", Қашқадарёдаги "Бахт", Сурхондарёдаги "Искандар Исроил", Фарғонадаги "Мухтор МЭХМ" каби фермер хўжаликларидан тайёрланаётган юқори сифатли гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ва сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, макарон ва қандолат маҳсулотлари эса аллақачон мижозлар ишончини оқлаган. Иссиқхоналарда етиштирилган सबзотлар маҳсулотлари эса айни кўкмак пайтида республикамиз аҳолисини дармондориларга бой неъматлар билан таъминлашда қўл келаётди.

Тадбиркорлар кўргазма доирасида экспорт шартномаларини имзолашга эришгани, айниқса, диққатга сазовор. Айтайлик, Андижонда фаолият кўрсатаётган "Rubber trust" хусусий корхонаси Афғонистонга маҳсулот етказиб бериш бўйича келишувга эришди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бу ерда қарийб 20 турдаги болалар, ўсимлар ва катталар учун оёқ кийимлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Уларнинг сифати юқорилиги боис чет давлатлардан кўпмак буюртмалар олинмоқда. Биргина 2011 йилда 3 миллион 459 минг АҚШ дол-

лирик маҳсулот экспорт қилинди, бу тадбиркорлар ривожланишининг ойдин йўлига чиқиб олганидан ёрқин далоятдир.

Анъанага кўра, "Ташаббус — 2012" республика кўрик-танлови голиблари учта асосий, еттига қўшимча номинация бўйича аниқланди.

Энг ҳаяжонли дамлар. Ҳакамлар ҳайбатининг ҳулосаси, яъни голиб ва совриндорлар номини эълон қилиш бошланди. Дастлаб "Энг яхши ёш тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши оилавий бизнес", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Менинг юртим — менинг ифтихорим", "Ёшларга иш берувчи энг яхши тадбиркор" ва "Устоз — шоғирд" мактабини ташкил этган энг яхши хунарманд" каби қўшимча номинациялар бўйича голиблар аниқланди, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Навбат олий мукофот соҳибларини чорлашга келди. Ва ниҳоят, улар саҳнага чиқдилар. "Ташаббус — 2012" республика кўрик-танловида "Jizzax-Kuhinug" хусусий фирмаси раҳбари Халисхон Бобова "Энг яхши тадбиркор", Қашқадарё вилоятидаги "Бахт" фермер хўжалиги раиси Иброҳим Холёров "Энг яхши фермер", фарғоналик хунарманд Мирзомаксар Ақромов "Энг яхши хунарманд" деган номга лойиқ деб топилди.

Уларга махсус диплом, олтин медал, Президент совғаси — "Spark" автомобилнинг калити топширилди.

— Президент соврини минглаб тадбиркорлар ичидан менга насиб этгани, бу — энг олий бахт, — дейди "Энг яхши тадбиркор" йўналишида биринчи ўрин соҳибаси Халисхон Бобова. — Шундай юксак мукофотга Мустаҳкам оила йилида муйassar бўлганим янада масъулият юклайди. Билдирилган ишончини оқлаб, тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтиришга, саноатимиз салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз. Шу йили Германия ва Ҳиндистондан замонавий технологик линиялар олиб келиб ўрнатиб, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган ипақ толасини 100 фоиз ўзимиз қайта ишлашни йўлга қўймоқчимиз. Ана шунда четга фақат тайёр маҳсулот экспорт қила бошлаймиз.

Асосий йўналишлар бўйича иккинчи ўринни қўлга киритганлар махсус диплом, кумуш медал, 8 миллион сўм пул мукофоти, учинчи ўрин соҳиблари, махсус диплом, бронза медал, 5 миллион сўм пул мукофоти ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Соврин мукофотлар муборак бўлсин, тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандлар! Мамлакатимиз тараққиёти, иқтисодиёти миз раванқи, турмушимиз фаровонлиги йўлида ташаббус кўрсатишдан ҳеч қачон толманг, фидойи ишбилармонлар!

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов сўзга чиқди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СОҒЛОМ РАҚОБАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси билан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази ҳамкорлигида амалий семинар ташкил этилди.

Семинар

Мамлакатимизда рақобат сиёсатининг устувор йўналишлари ва "Рақобат тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари катнашди.

Унда таъкидланганидек, истиқлол йилларида юртимизда кенг кўламли ислохотлар, модернизация жараёнлари амалга оширилди. Пировардида ҳуқуқий демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди, аҳоли фаровонлиги юксалди.

Табиийки, бу борадаги ютуқ ва натижаларни қўлга киритишда демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг либераллаштириш, хусусан, мазкур жараёнларнинг ажралмас қисми бўлган рақобатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани муҳим аҳамият касб этди.

Бу борада Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари амалиётга жорий этилиши юртимиз тараққиётини суръат ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилаётди. Хусусан, мазкур Концепция асосида "Рақобат тўғрисида" ги Қонун қабул қилинган монополиясиқ фаолиятини нафақат товарлар бозоридан, балки молия бозорларида ҳам тартибга солиш, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмлар, ақцияларни олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш, назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш имкониятини берди.

Тадбирда мазкур ҳуқуқий ҳужжат иқтисо-

диётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар ва ҳуқуқий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий жавобгарлигини либераллаштириш, назорат тизимини қисқартириш ва оптималлаштиришда муҳим роль ўйнаши қайд этилди. "Рақобат тўғрисида" ги Қонун рақобат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни янада ривожлантириш, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини аниқлаштириш, товар ҳамда молия бозорларида монополиясиқ фаолиятнинг олдини олиш ва тўхтатиш бўйича ҳуқуқий воситаларни янгилашга йўналтирилганлиги айтиб ўтилди.

Семинарда Қонуннинг моҳияти ҳақида атрафлича маълумот ва тушунчалар берилди. Чунки, монополияга қарши тартибга солиш молия бозорларида ҳам таътиқ этилиши, ҳўжалик юртывчи субъектнинг товар бозоридан устун мавқеини эгаллаб туриши қўрсаткичи белгилаб қўйилгани кўрсатиб ўтилди.

— Бугунги кунда савдолар(тендерлар)да монополияга қарши тартибга солиш самарадорлигини ошириш, бунда ошқоралик, очиклик, соғлом рақобат шартларини таъминлаш гоятда долзарбдир, — деди Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази директори Ф. Карабаев. — Бинобарин, Қонунда савдолар (тендерлар) ва биржа савдоларидаги битирдиган, — дейди Ботиржон Мансуров. — Маҳалламизда маиший хизмат кўрсатиши ва сервис маркази ташкил этилиши муносабати билан ўз бизнесини йўлга қўйдим. Ҳамқишлоқларимга алоқа соҳаси учун тўловлар, компьютер ва нусха кўчириш хизматларини кўрсатаётганман. Шу ерда яхши

Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Эзгу интилишлар маркази

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, бугунги кунда марказнинг замонавий бизнеси маҳалла кўрғига кўрк кўшиб турибди. Бу ерда иш бошлаган ёшлар эса орзулари ушалганидан хурсанд. Марказда касб-хўнар коллежларини тамомлаган 40 нафар йигит-қиз иш билан банд. Биргина тикувчилик цехи 25 нафар битирувчинини ўз бағрига олди. Худудда, шунингдек, бир қатор савдо шохобчалари, бозорча ва бошқа хизмат тармоқлари ҳам бунёд этилган бўлиб, маҳалла аҳлининг кундалик харид ёки ўзга юмушлар учун узок йўл босишига деярли ҳожат қолмади.

— Ўтган йили Учкўрғон педагогика ва сервис коллежлари битирдиган, — дейди Ботиржон Мансуров. — Маҳалламизда маиший хизмат кўрсатиши ва сервис маркази ташкил этилиши муносабати билан ўз бизнесини йўлга қўйдим. Ҳамқишлоқларимга алоқа соҳаси учун тўловлар, компьютер ва нусха кўчириш хизматларини кўрсатаётганман. Шу ерда яхши

даромад олиб, рўзгорга ёрдамлашаётганимдан жуда хурсандман.

Вилоят ҳокимлиги каттачеликлар бошлаган ушбу эзгу ташаббусини маъқуллаб, уни Наманганнинг барча маҳаллаларида кенг оммалаштириш ҳаракатини бошлаб юборишди. Зеро, вилоятдаги барча маҳаллаларда энг зарур хизмат шохобчаларини ўз ичига олган шундай марказларнинг ишга туширилиши, пировардида 14 мингга яқин янги иш ўринларини ташкил этиш имконини беради.

Шу ўринда бугун вилоятдаги 15 та касб-хўнар коллежида хизматлар ва сервис соҳаси бўйича мутахассислар тайёрланаётгани, уларнинг ўқиш чоғидаёқ зарур билим ва малакага эга бўлишлари учун билим даргоҳлари қошида бевосита маҳаллалар ташаббуслари билан 68 та компьютер хизмати, 22 та новвойхона, 88 та иссиқхона, 81 тикувчилик устахонаси, 20 та сартарошхона, 62 та гўзаллик салони, 37 та сураткашлик устахонаси, паррандачилик, чорвачи-

лик ва асаларчиликка иқтисослаштирилган шохобчалар ташкил этилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Ўтган йили ушбу йўналишлар бўйича мутахассислик дипломини олган 5 мингдан зиёд битирувчининг асосий қисми доимий иш жойига эга бўлди. Жорий йилда ўқишни тамомлайдиган 7500 дан зиёд бўлажак мутахассиснинг 92 фоизи билан уч томонлама шартномалар имзоланган. Ҳозирги пайтда улар ишлаб чиқариш, маиший хизмат ва сервис субъектларида амалиёт ўташмоқда.

Бу эзгу, хайрли ташаббусларнинг асарияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва у ерда яшаб, ишлаётган ҳаёт тажрибаси катта, кўпни кўрган, барча инини жой-жойига қўйдиган фидойи одамлар иштирокида рўёбга чиқарилаётди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари Цзян Яопин Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар яратилганини алоҳида қайд этди.

— Хитой Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, — деди Цзян Яопин. — Биз, айниқса, савдо, сармоя, ахборот технологиялари каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз. Хитой ишбилармонларининг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорликка қизиқиши тобора кучайиб бораётгани жуда қувонарлидир.

Хитойнинг қирққа яқин компаниясидан вакиллар катнашган форумда меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари ҳақида маълумот берилди. Меҳмонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ислохот-

лар самаралари билан танишдилар.

Форумда икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт, сармоя, савдо, энергетика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, машинасозлик ва электроника каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида, шунингдек, Жиззах вилоятида саноат паркни ташкил этиш бўйича қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди. Унда хитойлик ишбилармонлар ўзбекистонлик шериклар билан биргаликда кўпмак соҳаларда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикрлашиб олдилар.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р. Азимов сўзга чиқди.

Нозира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.

Мустаҳкам оила ОАВ талқинида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

янги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда ёш оилаларга эътибор ва гамҳўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, қулай ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш ана шундай устувор вазифалардандир. Албатта, буларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Анжуманда ахборот узатишни техник жиҳатдан таъминлаш ва ташкил этиш, электрон ва босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларида Дастур ижроси бўйича тадбирларни ёритиш технологияларининг ўзи хос жиҳатлари таҳлил қилинди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

З. Худойшукуров, «Халқ сўзи» мухбири.

Истиқболли соҳа ривожини

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Анжуманда туризм соҳасида таълим жараёнини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш билан интеграция жараёнларини кучайтириш, хориж тажрибасини ўрганиш, соҳада янги иш ўринлари ташкил этиш, олий таълим муассасалари ҳамда коллежлар битирувчиларини иш билан таъминлаш масалалари ҳақида сўз борди.

Хусусан, айна пайтда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг халқаро туризм факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, пойтахтимиздаги

Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм касб-хўнар коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ҳамда ресторон иши йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда.

Тадбирда, шунингдек, туризмда таълим соҳасини ривожлантиришининг устувор йўналишлари, минтакаларни и ж т и м о и й - к т с о д и й тараққиқ этиришда унинг аҳамияти хусусида ҳам сўз юритилди.

М. ХОЛМАТОВА.

Сарҳисоб

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида бўлганидек, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида аграр секторда салмоқли ютуқлар қўлга киритилапти.

2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида алоҳида таъкидланганидек, ўтган йили республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш суръати 6,6 фоизни ташкил этгани, шу жумладан, 6 миллион 800 минг тонна галла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортик सबзавот ва полиз, қарийб 3 миллион тонна боздорчилик маҳсулотлари етиштирилгани ана шундан далоят беради.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири — чорвачиликда эришилган натижалар ҳам диққатга сазовор. Гап шундаки, 2011 йилда юртимизда 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан зиёд гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан кўпроқ тухум тайёрланди.

— Давлатимиз раҳбарининг "2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади" маърузасидаги "Кунни-кун, туни-тун демасдан, қилган фидоикорона меҳнатлари учун фермер ва деҳқонларимизга яна бир бор миннатдорлик билдириб, ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изхор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб

биламан", деган сўзлари бизни беҳад руҳлантириб юборди, гайратимизга гайрат бахш этди, — дейди Зарбдор туманидаги "Ўткир полов" фермер хўжалиги раҳбари Субон Эратов. — Нега деганда, бу юксак баҳо замирида соҳада белгиланган вазифаларни бажаришга ўз хиссасини қўшган барча қишлоқ меҳнатқашларидан қатъий ишонч, катта эътибор, гамҳўрлик ва рағбат муҳассам. Шу боис бундан кейин ҳам белни янада маҳкамроқ боғлаб, эл дастурхонини тўқинлиги, юрт равнақи йўлида сидқидилдан ишлайверамиз.

Субон Эратов, зарбдорликларнинг эътироф этишича, туманда тажрибали деҳқон. У бошлик фермер хўжалигида ҳар йили олтиш гектар майдондан мўл пахта ва галла ҳосили етиштирилади. Шу орқали давлат маҳсулот сотиш шартнома режаларини ошириб бажариш билан бирга, оилавий даромадини ҳам кўпайтиришга эришди.

Яқунланган йилнинг тўртинчи чорагида Субон ака "Агробанк"нинг туман бўлиmidан ажратилган 561 миллион сўмлик кредит ҳисобига Польшадан юз бош наслдор қорамол келтириб, хўжалиги фаолиятини янада кенгайтирди.

— Насли чорва — барака манбаи, — дейди у. — Шунинг ҳисобига қилиб, хориждан қорамол харид қилишда айнан шу жиҳатга алоҳида эътибор бер-

либ ўрнатилган. Мақсад — узлар етиштирган маҳсулотни қайта ишлаш. Бунинг учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси тахт қилиб қўйилган. Мухими, шундай сайб-харакатлар туйфайли ўн беш нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Ёки бўлмаса, Хатирини туманида фаолият юритаётган "Ҳолиқов

эчкилар 16187,7 минг бошга, паррандалар эса 42731,2 мингга кўпайтирилди. Шу билан бирга, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан мавжуд чорва моллари наслини яхшилаш мақсадида ўтган йили 1564,2 минг бошдан ортик сигирлар сўнчий урулганрилган бўлса, уларга 2596 та зоовете-

ривария пункти орқали 7986 миллион сўмликдан ортик сервис хизматлари кўрсатилди. 414 та наслчилик хўжалигида тайёрланган қўллаб наслдор молларнинг 9,1 минг бошини эса аўқон савдоларида сотиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, 2011 йилда республикамиз бўйича 520 та паррандачилик, 171 балиқчилик, 1109 та асаларчилик фермер хўжаликлари ташкил этилиб, уларда товуқлар сони 2 миллион 441 мингга етказилгани, 16882,1 тонна балиқ, 3786,1 тонна асал етиштирилгани ҳам эътиборга лойиқдир.

— Халқимиз "Паррандачилик — етти ҳазинанинг бири" деб бежиз айтмаган, — дейди Избоскан туманидаги "Маъруфжон паррандаси" фермер хўжалиги раҳбари Маъруфжон Камолдин. — Чунки бу тармоқда етиштирилган пархез гўшт ва витаминларга бой тухум маҳсулотлари дастурхонимизни беэаз баробарида, мўмай даромад ҳам келтирмоқда. Ўзимиздан қиёс: 60 миллион сўмлик замонавий технологияларга асосланган катакларда тўрт минг дона

товуқ боқаяпмиз. Улардан куни-жуба 3000-3200 тагача тухум олинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасида эса ҳозирги кунда 76933 гектардан иборат табиий қўл бўлиб, ҳаммаси 92 та корхона ва фермер хўжалигига ўн йил мuddатга ижарага берилган. Улар томонидан ўтган йили 1100 тон-

сида яшовчи тадбиркор Комилжон Жалолов. — Ўтган йили улардан 6 тонна асал етиштиришга муйваффақ бўлдик.

— Кўпчилик кўнчилигини бир оз мураккаб соҳа, деб ҳисоблайди, — дейди Ғузур туманидаги "Жамшид Тўра бобо набираси" фермер хўжалиги раҳбари Абдурашид Хусанов. — Лекин "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади", деганларидек, ушбу ишнинг ҳадисини олган киши юқори даромадга эга бўлиши мумкин. Чунки мутахассисларнинг фикрича, бу жониворлар ветеринария талаблари асосида парварши қилинганда, ҳар қирқ кунда насл қолдиради, бир бош куён 5-10 тагача болайди. Улар тоза ва сифатли тери ҳамда пархез гўшт беришини айтмайсизми?! Хўжалигимиздаги Бухоро ва Тошкент вилоятларидан келтирилган 20 донадан ортик зотдор қуёнларимиз икки йилда икки мингтадан ошиб кетгани бунга мисол бўла олади.

Хозир кўнчилик фермаимизда 6 киши иш билан банд. Яқин орада кўён гўшти ва терисини қайта ишлашни йўлга қўйиб, иш ўринлари ҳамда даромадимизини янада кўпайтиришни мўлжаллапмиз.

Икром ЎТБОСАРОВ.

ҚУТ-БАРАКА МАНБАИ

Фаррух Раҳматуллаевич" фермер хўжалигини олиб кўрайлик. Мазкур жамоа аҳли бир неча йилдан бери пахта ва галладан мўл ҳосил хирмони яратиш билан бирга, чорвачилик билан ҳам шуғулланмоқда. Айни пайтда бу ерда 10 бош от, 200 бош қўй, 20 бош эчки ва 50 бош қорамол парвартиланаётганини айтиш қийна. Жорий йилда эса фермер банкнинг кредити ҳисобидан гўштни қайта ишлаш технологияси ҳамда Украинадан 6 бош зотдор сигирини харид қилиш тараддудида юрибди.

Буларнинг бари, таъбир жоиз бўлса, Ортбосқимизнинг юқорида номи тилга олинган қарори талабларининг амалий ижроси шарофатидир. Сабаби, ушбу ҳужжатда республикамиздаги шахсий ёрдамчи, деҳ



Бугун тараққиётнинг "ўзбек модели" ўзининг ёрқин самаралари билан дунё аҳли эътирофига сазовор бўлмоқда. Зеро, шу асосда ҳар қандай, ҳаттоки, молиявий-иқтисодий рецессия даврида ҳам мамлакатимизда иқтисодиётнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолинди, макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланди.



ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ТЕЖАМКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ

Бу борада иқтисодиётни изчил ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни чуқурлаштириш, янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини жадаллаштиришга катта эътибор қаратилгани муҳим аҳамият касб этди, албатта.

Хусусан, саноат соҳасида эришилаётган ютуқлар бунинг ёрқин тасдиғи бўла олади. Негаки, 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришнинг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2011 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 24,1 фоизга етди.

Таъкидлаш жоизки, саноат маҳсулотини умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган тармоқлар ташкил этди. Ўтган йилда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик, кимё ва нефть-кимё саноати, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари саноати, фармацев-

тика ва мебелсозлик жадал суръатлар билан ривожланди.

Бунда, албатта, мазкур жабҳаларда сифатли ва рақобатбардош, бугунги харидор дидига мос маҳсулот тайёрлашда илгор технологиялардан кенг ҳамда унумли фойдаланилаётгани салмоқли роль ўйнади. Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида шу асосда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб ҳамisha катта бўлиши, шубҳасиз.

Ўз навбатида, қўлга киритилаётган бундай ютуқлар мамлакатимизда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик изчил қўллаб-қувватланаётгани, чет эллик сармоядорларга қўлай ишбилармонлик муҳити яратиб берилаётгани самарасидир. Ҳозирги кунда хоржийнинг илгор ва тежамкор технологик линиялари билан жиҳозланган корхоналар сони торабора кўпайиб бораётгани, улар ички бозорни импорт

ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдириб, экспорт салоҳиятимизни оширишда фаол иштирок этиб келаётгани ҳам бунга яна бир мисол бўла олади.

— Юртимизда тадбир-

га, фаолиятимизга энг илгор технологияларни жорий этишга ундамоқда, — дейди пойтахтимиздаги ана шундай корхоналардан бири ҳисобланган "Бинокор темир-бетон сервис"

йўл компаниясига қарашли темир-бетон ишлаб чиқариш заводини ижарага олиб, иш бошлагандик. Бир йил давомида бу ер тўлиқ капитал реконструкциядан чиқарилди. Италия, Германия ва Россиядан замонавий технологик линиялар олиб келиб ўрнатилди.

Пировардида сифати дунё талабларига тўлиқ жавоб берадиган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Улар ISO 9001:2009 халқаро стандартларига мослиги ҳамда харидорлар эътирофига сазовор бўлиб келаётганининг боиси ҳам шунда. Бугунги кунда корхонада Маҳаллийлаштириш дастури асосида 27 турдаги пишиқ бунёккорлик материаллари ишлаб чиқариши ўзлаштирилди. Шундан 16 хил темир-бетон плиталари "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКга етказиб берилаётганини қайд этиш лозим.

Табиийки, бундай натижаларга эришишда корхона аҳил жамоасининг ҳиссаси катта бўлмоқда, албатта. Дарвоқе, ушбу ишлаб чиқариш объекти янги очилган пайтда ўн-ўн беш нафар ишчи фаолият юритган бўлса, бугун бу ерда меҳнат қилаётганлар сони қарийб юз нафарга етди. Уларнинг асосий қисми маҳаллий ёшлардан иборат эканлиги эътиборлидир. Шуларга уйғун тарзда ишчи-ходимлар тўлиқ ижтимоий ҳимояланган. Чунончи, улар учун барча турдаги маиший ва тиббий хизмат сифатли йўлга қўйилгани иш унумдорлигини оширишда айна мудоа бўлмоқда.

— Заводимизда кенг миқёсдаги реконструкция ишлари давом этапти, — дейди М. Фуломов. — Бунинг натижасида жорий йилда 30 минг куб метр темир-бетон ва бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб беришни мўлжаллашмиз.

Лўнда қилиб айтганда, мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш йўлида кенг имкониятлардан баҳраманд бўлиб келаётган мазкур жамоа харидорлар ишончини мустаҳкамлаш, диверсификациялаш жараёнларида фаол иштирок этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини изчил давом эттирмақда.

Ҳанифа ШАМШИЕВА.
Ҳасан ПАЙДЎЕВ
олган суратлар.



корлар учун яратилаётган қатор қўлайликлар ҳамда берилаётган солиқ имтиёзлари ва преференциялар бизни янги марралар сари руҳлантириб, истиқболли лойиҳалар устида ишлаш-

МЧЖ қўшма корхонаси тизимидаги "Бинокор" ЖБИ заводи бош директори Музаффар Фуломов. — Бундан икки йил муқаддам "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик темир

рени ишлаб чиқариши ўзлаштирилди. Шундан 16 хил темир-бетон плиталари "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТКга етказиб берилаётганини қайд этиш лозим.

Фермернинг интенсив боғи

Бекободдаги "Абдуҳад Собиров" фермер хўжалиги жамоаси Баҳористон қишлоғида 12 гектарлик интенсив боғ яратди.

40 миллион сўмлик маблағ сарфлашиб яратилган боғда кўчатлар томчилаб сўғорилмоқда. Бу эса ҳарajatларни тежаш имконини бераётир.

Шу йил қўкلاميда пойтахт вилоятлик соҳибкорлар ўз олдларига 500 гектар майдонда янги боғлар барпо этишни мақсад қилиб қўйишган. Шунинг 120 гектардан кўпроғини интенсив усулдаги боғлар ташкил этади.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

«KOHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 27 июндаги 10-1117/7082-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олой (собиқ А. Толстой) кўчаси, 23-уй манзилидаги, умумий ер майдони 592 кв.м., фойдаланиш майдони 555 кв.м. бўлган 4 қаватли маъмурий бинонинг биринчи қавати қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 573 583 679,31 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 4 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 2 май куни соат 18.00.

II. Шунингдек, 2012 йил 19 апрель куни бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк тасқоран қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманларо судининг 2011 йил 18 январдаги 1-172/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, А. Хидоятлов кўчаси, 24-уй, 2-хонадонда жойлашган, умумий майдони 42,0 кв.м. бўлган офис ва савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 48 676 000 сўм.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 17 апрель куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадан закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOHMAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Коррақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиради.

Қувурлар Х42 Мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

HYUNDAI NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

TUCSON

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

DONGNAM UZ MOTORS

Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99. www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ 2012 йил 1 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 11 январдаги 1-587/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 1 053 039 754 сўм бўлган, «Komfort LTD» ҚҚга тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход кўчаси, 5-уйда жойлашган, умумий майдони 1802,0 кв.м. бўлган савдо мажмуаси қўйилади.

Ҳурматли талабгорлар!

Ушбу аукцион савдосида сотилмаган кўчмас мулкнинг такрорий очиқ аукцион савдоси 2012 йил 16 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мазкур кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Қушбеги к., 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: RR-0017.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖ 2012 йил 1 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Яққасарой тумани суди ижрочилари бўлими томонидан:

- Жиноят ишлар бўйича Тошкент шаҳар Олмазор тумани судининг 2011 йил 22 ноябрдаги 1-608/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 24 518 398 сўм бўлган, Т. В. Вьючновага тегишли, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бошлик мавзеси, 20-уй, 50-хонада жойлашган, умумий майдони 49,96 кв.м. бўлган 2 хонали уй қўйилади.
- Жиноят ишлар бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой тумани судининг 2011 йил 10 февралдаги 1-09/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 45 230 363 сўм бўлган, Б. Н. Хидировга тегишли, Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бошлик мавзеси, 3-уй, 74-хонада жойлашган, умумий майдони 81,37 кв.м., яшаш майдони 41,39 кв.м. бўлган 3 хонали уй қўйилади.

Ушбу аукцион савдосида сотилмаган кўчмас мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2012 йил 16 май куни бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Қушбеги к., 18-уй. Тел.: (8-371) 250-19-24.

Лицензия RR-0017.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси жамоаси масъул ходим Абдуворис Фаттаховга волидан муҳтарамаси **Хуррият ФАТТАХОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институти жамоаси Гидрогеоэкология лабораторияси мудири, геология-минералогия фанлари доктори **Ғайрат Юнусович АЗИЗОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«O'zbektelefilm» давлат унитар корхонаси жамоаси масъул ходим **Собир Зоҳидович ХОЛХУЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент молия институти жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси Севара Тулягановага волидан муҳтарамаси **Тамара ШАМСИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси «Ахборот» информатсион дастурлар бош муҳарририяти телеоператори Азимжон Аҳмаджоновга палари бузруквори **РАҲИМЖОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Туйғу

Шеърлий сўз айтмоқ истаги шукроналикдан, ўз тақдирдан розилиқдан, Ватанга бўлган чексиз муҳаббатдан кўр олади. Зеро, ҳар бир кўнгил — нафис бир содир. Ундаги оҳанг мисраларда акс этиб, илиқ ҳароратини намён қилади.

Кўнгиллاردан тошган тилаклар

(тахририятимизга йўлланган шеърларни ўқиб...)

Тахририятимизга ҳар куни келади хатлар орасида ҳам ана шундай дилномалар билан унлаб мактублар бор. Гарчи бу қораломалар юксак бадий меъёрлар даражасида бўлмасда, улардаги самимият, юртга бўлган муҳаббат туйғулари киши эътиборини ўзига тортади. Шу маънода, Наманган вилоятининг Норин туманида яшовчи Бахтиёр Сатторовнинг «Она Ватан» деб номланган машқи ахамиятлидир: «Қалдирғочдан ўргангил ўз маконин севишни, полапонин ўстириб, унга меҳр беришни, остонасин мустаҳкамлаб, сўнгра кўрак керишни, Ватан бу онамиздир, онамиз эса Ватан».

Сўз айтиш ижодкордан ҳамиша масъулият талаб этади. Буни юракдан хис қилиб, юрт жамоли, саодатли кунларимизни тараннум этишга бел боғлаган ижодкорлар сафи кенгайиб бораётганини қувонарлиқ билан қараймиз. Чироқчилик ўқитувчи Бурхон Эшнӣёзов, томдиллик Жўра Набиев, бекободлик Дилдора Исмоилова, Андижон туманидан Қоражон Кодиров, риштонлик Холмамат Ашуров, Китоб шаҳридан Собира Ғулова, Фарғона шаҳридан Раҳимжон Норматов, жомбой-

лик Раҳим Ниезов ана шундай муаллифлар жумласидандир. Шеър — кўнгил мулки. Қалбда кечаётган тугёнлар, ширин орзу-истакларни қозғога туширишнинг завқи ўзгача бўлади. Уларни ўқиб ана шу ижод завқи, хушқайфият сизга яма ўтади беихтиёр.

Биласиз, газетда ҳазрат Алишер Навоий ижодини янада кенгрок ўрганиш, унинг уммон янглиг бесарҳад тафаккур оламини тадқиқ ва тарғиб этиш мақсадида «Абадият гулшани» деб номланган саҳифа бериб борилаёпти. Кейинги пайтларда тахририятга келаятган мактубларни ўқиб, ушбу саҳифанинг ўқувчилари кун сайин кўпаяётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Навоий газалларига боғланган муҳаммаслар, ул зотга икхосмандлик, шоир асарлари таъсирида уйғонган кечинмаларни ўзда жилвалантирган шеърларни ўқиб, Ҳазрат ижоди ҳалқимизнинг дил тубидан жой олганлигига яна бир бора амин бўласан, киши. Газетхонларимиздан бири Абдуғани Сулаймон ўзининг «Офтоб Алишер» сарлавҳали шеърини шундай дейди:

Ҳар мисрада зиё бор,
ҳар байтида нур,

Адолат тик боқиб туради мағрур.

Сатрлар сеҳридан кўнгилда сурур —

Назм осмонда офтоб Алишер,

Тарих битган нурли китоб Алишер...

Шу ўринда улуг аждодларимизга бағишланган шеърларини тахририятимизга юборган муаллифлар — қосонсойлик Адҳам Расулов, тошкентлик Миразиз Соатов, яққабоглик Шокир Ҳамдамов ва бошқаларга миннатдорчилик билдириб, ижод қилиш завқи ҳамиша ҳамроҳингизга айлансин, деймиз...

Маълумки, ҳар бир юртининг ўзига хос байрам ва маросимлари бор. Халқимизнинг қонқонига сингиб кетган шундай айёмларимиз борки, уларни нишонлаш каттаю кичикка бирдек завқ бағишлайди. Истиқлол ва Наврўз ана шундай — эл-юрт соғиниб кутадиған,

Хулоса шуки, бетақдор Ўзбекистонимиз бор экан, озод ва обод Ватанимизда инсон манфаатларига хизмат қилувчи ислохотлар бардавом экан, сўз сеҳри, жозибасига иштиёқманлик асло сўнмайди. Ўз навбатида, бундай ошувталлик юқорида исм-шарифлари тилга олинган юртдошларимиз сингари барча-барчамизни ҳаётдан завқланиб яшашга, илҳом ва иштиёқ ила янгилишни ҳамда ўзгаришларни тараннум этишга ундайверади...

дил-дилдан ардоқланадиган, кўзларга тўтиё қилинадиган, хурсандчиликлар баҳам кўриладиган бетақдор байрамимиздир. Зотан, тинч-осуда, кундан-кунга фаровонлашиб бораётган мамлакатга тўй-шодиёналар ярашади. Бинобарин, учқўприқлик Абдусамад Раҳимов, гулистонлик Ҳимоят Назарова, Наманган туманилик Исроилжон Низомов, хатирчилик Ноила Зокирова, пайариқлик Тоштемир Раҳимов, деҳқонободлик Мукаррам Холова, бойсунлик Ражабали Розиков, олтиариқлик Анварали Сафаров, гиждувонлик Раҳима Тўрабекова каби муштарийларимиз шеърларида ҳам Мустақилликнинг бебаҳо неъматлиги, Наврўзнинг азалий аъналаримизга ҳамоҳанглиги ўзгача меҳр ила тараннум этилади. «Яхши сўз — жон озиги», дейди халқимиз. Зеро, сўз — мўъжиза. Фақат сўз ва оҳангина инсон қалбига йўл топа олади. Қалб «забт» этилганда эса ҳар қандай киши ҳалим, самимий бўлиб қолади. Ўзгаларга, озгина бўлса-да, яхшилик қилиш, муруват кўрсатишни кўнглидан ўтказсади. Чунки қалбни поклайдиган сўз руҳ оламини мансубдир. Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидек:

Тан — бу кўнгил соясининг соясини,
Дилга ҳеч етгайму қурби поясини.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Реклама ва эълонлар

Соғлиқни сақлаш бошқармалари ва давлат идоралари, ташкилотлари ҳамда корхоналари диққатига!

Андижон давлат тиббиёт институтини 2011/2012 ўқув йилида давлат гранти ва тўлов-контракт асосида таҳсил олган таълим мутахассисликлари ва йўналишлари битирувчиларининг Ўзбекистон Республикаси вилоятлари кесимида истиқомат қилувчилар ҳақида маълумот

- I. Магистратура мутахассисликлари бўйича:
Андижон вилояти бўйича:
1. Акушер-гинеколог — 1 нафар бюджет ва 7 нафар тўлов-контракт.
2. Жарроҳлик — 1 нафар бюджет ва 6 нафар тўлов-контракт.
3. Кардиология — 2 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт.
4. Ички касалликлар (терапия) — 2 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.
5. Болалар юқумли касалликлари — 1 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт.
6. Болалар жарроҳлиги — 1 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт.
7. Нейрожарроҳлик — 2 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
8. Тери-таносил — 1 нафар бюджет.
9. Морфология — 1 нафар бюджет.
10. Педиатрия — 2 нафар бюджет ва 3 нафар тўлов-контракт.
11. Кулоқ, томоқ, бурун (ЛОП) — 1 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт.
12. Невропатология — 1 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
13. Урология — 3 нафар тўлов-контракт.
14. Гематология — 2 нафар бюджет.
Фарғона вилояти бўйича:
1. Акушер-гинеколог — 1 нафар тўлов-контракт.
2. Жарроҳлик — 1 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
3. Болалар жарроҳлиги — 1 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
4. Нейрожарроҳлик — 2 нафар тўлов-контракт.
5. Онкология — 1 нафар бюджет ва 1 нафар тўлов-контракт.
6. Педиатрия — 1 нафар тўлов-контракт.
7. Кулоқ, томоқ, бурун (ЛОП) — 3 нафар тўлов-контракт.
8. Невропатология — 1 нафар тўлов-контракт.
9. Психиатрия — 1 нафар бюджет.
10. Урология — 1 нафар бюджет ва 2 нафар тўлов-контракт.
Наманган вилояти бўйича:
1. Акушер-гинеколог — 1 нафар тўлов-контракт.
2. Болалар жарроҳлиги — 2 нафар тўлов-контракт.

- 3. Нейрожарроҳлик — 2 нафар тўлов-контракт.
4. Онкология — 1 нафар тўлов-контракт.
5. Тери-таносил — 1 нафар тўлов-контракт.
6. Педиатрия — 1 нафар тўлов-контракт.
7. Невропатология — 1 нафар тўлов-контракт.
8. Урология — 1 нафар тўлов-контракт.
Тошкент вилояти бўйича:
1. Акушер-гинеколог — 1 нафар тўлов-контракт.
II. Даволаш факультети бўйича:
Андижон вилояти — 29 нафар бюджет, 63 нафар тўлов-контракт.
Фарғона вилояти — 26 нафар бюджет, 79 нафар тўлов-контракт.
Наманган вилояти — 7 нафар бюджет, 15 нафар тўлов-контракт.
Сирдарё вилояти — 1 нафар бюджет.
Бухоро вилояти — 1 нафар бюджет.
III. Педиатрия факультети бўйича:
Андижон вилояти — 20 нафар бюджет, 42 нафар тўлов-контракт.
Фарғона вилояти — 30 нафар бюджет, 50 нафар тўлов-контракт.
Наманган вилояти — 6 нафар бюджет, 12 нафар тўлов-контракт.
Бухоро вилояти — 1 нафар тўлов-контракт.
IV. Олий малякали ҳамширалик иши бўйича:
Андижон вилояти — 10 нафар бюджет, 13 нафар тўлов-контракт.
Фарғона вилояти — 1 нафар бюджет.
Наманган вилояти — 7 нафар бюджет, 4 нафар тўлов-контракт.
V. Тиббий педагогика факультети бўйича:
Андижон вилояти — 8 нафар бюджет, 10 нафар тўлов-контракт.
Фарғона вилояти — 2 нафар бюджет, 4 нафар тўлов-контракт.
Наманган вилояти — 2 нафар бюджет, 1 нафар тўлов-контракт.
Институт маълумоти.
Телефон: (8-374) 237-50-83.

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

давлат-акциядорлик темир йўл компанияси

барча ватандошларимизни баҳор байрами

Наврўзи олам билан самимий қўплайди.

«Мустаҳкам оила йили» деб номланган 2012 йилда мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги эзгу ва хайрли ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Хонадонларимиздан тинчлик, фаровонлик, файзу барака аримасин. Омад ва бахт ёр бўлсин. Баҳорий кўтаринки кайфият сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Наврўзи олам муборақ!



ОБ-ҲАВО

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида

Бухоро ва Навоий вилоятларида

Тошкент, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида

Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

Тошкент шаҳрида

(31 март)

+2 +7 +15 +20

+8 +13 +22 +27

+7 +12 +22 +27

+10 +15 +23 +28

+7 +12 +20 +25

+10 +12 +25 +27

Халқ сўзи

Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Оршов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусахҳиҳ — Х. Тошқўяев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.00 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5